O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MAJLIS PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 29-noyabr, chorshanba, 48 (378)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

Мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан бир қанча эзгу ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, чекка қишлоқларда врачлик пунктлари иш бошлади. Шифохоналар, тиббиёт масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Оҳангарон туманидаги оилавий поликлиникада амалга оширилган ишлар ҳам ана шулар жумласидандир.

Суратда: оилавий поликлиниканинг физиотерапия бўлими ҳамшираси Гулчеҳра Муқимова муолажа пайтида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Анжуман

ҲАЁТИЙ ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР МУҲОКАМАСИ

Яқинда ЎзМТДПнинг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Пленум кун тартибига қўйилган масала ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва айниқса, тарихий нуқтаи назардан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ҳар икки қонун республикамиз марказий матбуотида, жумладан партиямиз нашри — «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинди. Шунингдек, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов маруза қилди. Маърузада республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ролини янада оширишга қаратилган янги қонун лойиҳалари Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларида белгилаб олинган тадрижий ислоҳот босқичларининг давоми экани, «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойили замирида бениҳоя улкан мақсадлар ётгани, фуқаролик жамияти одамларнинг ақлидроки, иродаси, қудрати билан яратилган инсоният тамаддунининг энг юқори даражаси ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини барпо этиш омилларидан бири бу — сиёсий партиялардир. Жамиятшунос олимларнинг сиёсий партиялар фуқаролик жамиятини сиёсий тизим билан ўзаро алоқаларининг доимийлигини таъминлайди, давлат ҳокимиятининг жамиятга боғлиқлиги ва уни жамият томонидан назорат қилиниши кўп ҳолларда сиёсий партиялар ёрдамида амалга оширилишини қайта-қайта таъкидлашлари бежиз эмас.

Албатта, қонун лойиҳаларида белгилаб берилган ҳуқуқий кафолатлар, сиёсий партиялар зиммасига қўйилаётган муҳим вазифалар демократлашув сари дадил бораётган жамиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Пленумда сўзга чиққанлар қонун лойиҳалари республикамиздаги шарт-шароит, партияларнинг мавқеи, шу жумладан, кадрларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мукаммал ва ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилганини билдирдилар.

Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, шу билан бирга мамлакатни модернизация қилишдаги ролини кучайтириш — қонуннинг асосий мақсади бўлиб, у сиёсий партиялар зиммасига ўта муҳим ва жиддий вазифаларни юклайди. Шунингдек, ҳукумат, Тошкент шаҳри, вилоятлар раҳбарлари фаолиятига дахлдор масалаларда партиялар ўз сўзини айтишига ҳуқуқий кафолат беради.

Лойиҳада «Парламент мухолифати» тузишга ҳуқуқий асос яратилган, сиёсий партия фракцияси ўз сафидан Олий Мажлис

(Давоми. 2-бетда).

Ахборот

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМДА ЯНГИЛИК

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университетида «Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар»-«Wcis-2006» тўртинчи умумжаҳон илмий анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбир 2000 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. Анжуман ишида АҚШ, Канада, Германия, Чехия, Эрон, Россия, Украина, Озарбайжон ва мамлакатимиз олимлари, мутахассислар иштирок этишди. Ялпи мажлис ва шўъба йиғилишларида мутахассисларнинг «Интеллектуал ахборот», «Интеллектуал бошқарув», «Интеллектуал иқтисодий режалаштириш ва электрон тижорат», «Қўлга киритилган ютуқларни энергетика, нефть саноати, машинасозлик, кимё, қурилиш ҳамда саноатнинг бошқа соҳаларида қўллаш» сингари долзарб мавзулардаги 80га яқин маруза ва бошқа илмий чиқишлари муҳокама қилинди. «Индустриал автоматлаштириш учун интеллектуал системалар» номли маърузалар тўпламининг нашр этилганлиги йиғилганларга истиқболли интеллектуал технологияларнинг янги назарий натижалари, амалий тадбиқларини муҳокама этиш, тажриба ва фикр алмашиш, янги йўналишларни белгилаш имкониятини берди.

Йиғилиш сўнгида халқаро миқёсда илмий изланишлар олиб бориш, саноат тизимини интеллектуаллаштириш ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун ўқув режалари тавсия этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Обунани ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ва туман партия кенгашлари,корхона ва ташкилотлар раҳбарлари албатта, рағбарлантирилади.

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан С.Раҳимов туманидаги 249-умумтаълим мактабида «Давлат байроғи — мамлакатимиз тимсоли» номли тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — миллат келажаги» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Ромитан туманидаги «Боғи Туркон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Келажаги буюк юрт фарзандлари» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда Сирдарё вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» иш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Беруний маҳалласида Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгашида Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қуйи Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Қўнғироқча» номли 3-мактабгача таълим муассасасида «Меҳржон» байрами ўтказилди.

* * *

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашига сайланган депутатлар иштирокида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашида «Хотин-қизлар қаноти» иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАТБУОТ ВА ИСЛОҲОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида яқинда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102- моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган "Сиёсий ислоҳотлар жараёнида ОАВларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Соифназаров очиб, қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, матбуот ходимларининг ўзлари ҳам ушбу ҳаётий зарур ҳужжатларнинг мазмунмоҳиятини теранроқ тушуниб олишлари кераклигига алоҳида урғу берди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов умумхалқ муҳокомасига киритилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини йиғилиш иштирокчиларига тушунтириб, фуқаролик жамияти асослари қурилаётган ҳозирги пайтда сиёсий партияларнинг фаоллиги, ўз вакилларига бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни тушунтириш зарурлиги ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Давра суҳбатида депутатлар, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари, тажрибали журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Йиғилиш ўзаро баҳс-мунозалар тарзида ўтиб, унинг қатнашчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Конституция тақдиримизда



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...» деб белгилаб қўйилган.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Мустақиллик йиллари динга ва диндорларга муносабат тубдан ўзгарди. Истиқлол шарофати ила неча ўн минглаб фуқароларимиз ҳаж амалларини адо этиб қайтдилар. Бу йил ҳам минглаб ўзбекистонликлар муборак ҳаж сафарига ҳозирлик кўришаётир. Уларга ҳукумат беқиёс ғамхўрлик кўрсатиб, қулай шарт-шароитлар яратиб бераётир. Мамлакатимизда масжидлар обод бўлди.

Инсоният тамаддунининг илк ўчоқларидан бири бўлган диёримизда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом ал Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий, Маҳмуди Аъзам ва бошқа ўнлаб азиз-авлиёлар, алломаю мутавалийлар номлари улуғланаётир. Уларнинг муқаддас қадамжолари, мақбаралари обод қилинди. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан келган сайёҳлар ҳам бундай қадимий ва фусункор обидаларни кўриб ҳайратларини яшира олмаганига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Ота-онам билан юқорида номлари санаб ўтилган зиёратгоҳларни кўриш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Биз ўзлигимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни билдик. Ўзбекистон фуқаролари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини дил-дилидан ҳис этиб турибман.

Ўзбекистондаги турли миллат ва элатлар, бошқа дин вакиллари ўзининг диний эътиқод амалларини бемалол — эркин адо этиб келаётгани Асосий қонунимиз — Конституциямизнинг ҳаётийлигидан далолатдир.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Бугуннинг гапи

ТАБИАТНИ АСРАШ — ЎЗИМИЗНИ АСРАШ

Илгари табиат инсонни қўрқитар эди, энди инсон табиатни қўрқитмоқда.

Жак КУСТО.

Инсон — табиат фарзанди. Азалдан у табиатнинг бир бўлаги ҳисобланган. Ҳозир ҳам шундайми? Бу саволга жавоб беришга келганда бир оз ўйланасан киши. Сабаби... келинг, яхшиси, ана шу ҳақда фикр юритайлик. Назаримда, бугун одамзот табиатнинг эмас, табиат инсоннинг ҳукми билан яшамоқда. XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида фан ва техниканинг ривожланиши бунга сабаб бўлди. Кимёвий йўл билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эҳтиёж ва талаб ортди. Завод ва фабрикалардан чиқаётган заҳарли чиқиндиларнинг зарари ҳам катта бўлди. Тараққиёт ортидан эргашиб она заминни ҳалокат ёқасига олиб бораётганлигимизни сезмаяпмиз ҳам. Маълумотларга қараганда, XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб минерал ёқилғилардан энергия олина бошланди. Натижада атмосферага 5 миллиард тонна углерод, 100 миллион тонна олтингугурт ва азот оксиди чиқарилган. Бу эса ерда ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетишига олиб келди. Ҳаво ҳарорати 1890 йилда 14,5 градус бўлган бўлса, 1980 йилга келиб 15,2 градусгача ошди. Хорижлик олим Лестер Брауннинг башоратига кўра, келажакда, яъни 2030-2050 йиллар, орасида бу кўрсаткич 1,5-4,5 баробаргача ортиши мумкин экан. «Иситмалаётган» ернинг ҳовурини дарё ва денгизлар, уммонлардаги намлик билан пасайтирса бўлар, аммо йилдан-йилга салбий томонга ўзгариб бораётган экологик муҳитнинг дардига қандай даво топиш мумкин?!

Қишлоқ хўжалигида оби ҳаёт манбаи бўлган дарё сувларидан меъёридан ортиқ фойдаланилиш ҳам она табиатга зарар етказди. Орол денгизида сувнинг камайиши нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлар экологик муҳитига ҳам ёмон оқибатлар олиб келди. Сувдан тўғри фойдаланмаслик, агротехник ишларнинг нотўғри амалга оширилиши қир-адирлар, яйловлар, тўқайзорларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлаяпти. Аслида бу ҳудудларда ҳавони, ердаги ҳаётни мўътадиллаштириб турадиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси яшайди.

Дунё табиатига назар ташласак, чўллашиш жараёнининг кескин ўзгариши, қуруқлик, сахро ҳудудининг кенгайиб кетиши кузатилади. Масалан, 1968-74-йиллардаги қурғоқчилик туфайли Сахрои Кабир чўли ўз чегарасини жанубга томон 100-150 километрга кенгайтирди. Ҳар йили ер майдонининг тахминан 21 миллион километрга яқин қисмида деграция ҳодисаси юз бермоқда. Яъни, бу жараён табиий меъёрнинг бузилишига сабаб бўлаётир. Кўз ўнгимизда емирилиб бораётган Она табиатни статистик маълумотлар билан сақлаб қолиб бўлмайди, албатта. Лекин бу рақамлар ҳар бир инсонни ҳушёр торттириши керак. Бепарволик шу даражага етганки, хазонларни ёқиб юбориш баъзилар учун оддий ҳол. Чиқиндиларни сувга ташлаш, кир ювиб, мағзавасини ариққа оқизиш ҳам оддий воқеа. Бунга биров (катта ёшдаги кишилар) танбеҳ бериш билан чек қўймоқчи бўлса, бошқа биров сенга нима, сув етти думаласа ҳалол, оқади-кетадида, дейди. Санайверсак, муаммолар кўп. Биз лоқайд, эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

Дилдора КАТТАЕВА,
талаба.

Истиқлол берган имкон

Бениҳоя бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни ўрганиш, ёшларимизни улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш, асрий анъаналаримизни асраб-авайлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш борасида республикамизда амалга оширилаётган улкан ва хайрли ишларнинг барчасига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилик қилаётганлигини бугун бутун жаҳон аҳли кўриб, ҳайрат билан кузатиб турибди.

ЎТМИШИ БОЙ, КЕЛАЖАГИ МУНАВВАР ЗАМИН

Истиқлолимиз қадимий тамаддун бешикларидан бири бўлган Хоразм янги, юксалиш даврини бошлаб берди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, бу кўҳна диёрда ҳам мустақиллик йилларида ўзликни англаш, миллий ғурурни уйғотиш, халқимизнинг бой тарихи, улуғ алломалари, бетакрор мероси, асрий анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто» нодир ёдгорлигининг 2700 йиллиги, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги янги Урганч шаҳрининг 350 йиллиги кенг тарзда нишонлангани, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуалари бунёд этилгани ана шундай хайрли ишлар сирасига киради.

Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш таклифи ҳам Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган эди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан, 1997 йилнинг 11 ноябрида «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Президентимизнинг Фармони эълон қилинди. ЮНЕСКО бош конференциясининг 32-сессиясида мазкур улуғ тўйни халқаро миқёсда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада Хоразм Маъмун академияси замонавий жиҳозлар билан тўла таъминландигина эмас, бир неча тадқиқот лабораториялари ҳам ташкил этилди. Жумладан, «Физик-кимёвий тадқиқотлар лабораторияси»да ишга туширилган хроматограф тупроқ, сув ва ўсимликларнинг физик ва кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларнинг таркибидаги микро ва макро элементларни, масалан, пестицид, гербицид сингари заҳарли моддаларнинг миқдорини аниқлаш имконини беради. «ДНК технологиялар лабораторияси»даги янги ноёб ускуналар ёрдамида эса турли биологик материалларнинг генетик ва физиологик хоссаларини аниқлаш, шунингдек, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар хасталиклари диагностикасини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш турли тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин.

Бугун академияда 60 га яқин илмий ходим олти устувор йўналиш бўйича 13 лойиҳа устида тадқиқот ишларини амалга оширишмоқда. Жамоа ўз олдида турган долзарб вазифаларини ҳал этишда жаҳоннинг турли тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйган. Франциянинг Сарбонна, Жанубий Кореянинг Кёнхи, Малайзиянинг мультимедия, АҚШнинг Хопкинс, Халқаро Ислом, Варшава сингари университетлари, Саудия Арабистони Подшоҳ Файсал илмий тадқиқот маркази, Россия ФА Этнография ва этнология институти, Қозоғистоннинг Сулейманов номли шарқшунослик институти, Қирғизистон ФА тарих институти билан ўрнатилган ҳамкорлик келажакда дунёдаги бошқа йирик тадқиқот марказлари билан ҳам бундай илмий ҳамкорлик шартномаларини тузиш режалаштирилган.

Тарих, археология, этнография, биотехнологиялар сингари кўплаб соҳаларда ҳам илмий алоқалар ўрнатилган. Хусусан, Франция миллий кутубхонаси билан қадимги ва ноёб қўлёзмаларни ўрганиш, Россия Федерацияси таълим вазирлиги билан касб таълими борасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Бугунги кунда Маъмун академиясида 16 минг 400 нусхадан ошиқ китоб фондига эга бўлган бой илмий кутубхона ва замонавий ахборот-ресурс маркази, камёб экспонатлар аввалаб сақланадиган музей фаолият кўрсатмоқда.

Шукрлар бўлсинки, улкан уммонга қиёс қилгулик салкам уч минг йиллик тарихимиз, жумладан, бебаҳо дурдоналардан бири бўлмиш инсон ақлзаковатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланган Хоразм Маъмун академияси («Байтул-ҳикма» — «Донишмандлар уйи»)нинг минг йиллик шон-шуҳрати истиқлол шарофати билан қайта тикланди. Асрий орзуларимиз рўёбга чиқиб, у мамлакатимиз равнақи йўлида изчил фаолият юрита бошлади. Тарихий меросимизга бутун дунё ҳавас қилаётгани, маънавиятимиз илдизлари бақувватлиги, уларни жаҳонга намойиш этиш имкони туғилганлиги, Шарқу Ғарбни мафтун этган беқиёс илмий меросимизни теран ўрганиш қалбимизда чексиз миллий ғурур, фахр ва ифтиҳор ҳамда тарихий ўтмишимизга эҳтиром туйғуларини янада кучайтиради.

Президентимиз Хива шаҳрида Шарқ оламининг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллик тўйи шодиёнасида қилган маърузасида «Бундан минг йил аввал Хоразм заминида «Дорул ҳикма»деб аталган Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бу кўҳна воҳада неча-неча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи ва натижаси десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз », — дея таъкидлади. Шунингдек, Хоразм Маъмун академиясини умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида «Байтул ҳикма» номи билан шуҳрат қозонган Боғдод академияси каби машҳур илм марказлари билан бир қаторда санар эканмиз: «Шарқ мусулмон Ренессанси — Уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади», — деди ғурур билан. Буюк аждодларимиз ёққан маърифат чироқларининг юртимизда абадий порлаши бугунги авлоднинг ўз ота-боболарига муносиб давомчилар бўлишига боғлиқ эканлиги айни ҳақиқатдир. Инсоният тараққиётини кўзлаб эзгу ишларни амалга оширган аждодларимиз бой илмий мероси ардоқда, хотираси қалбимизда барҳаёт экан, муқаддас диёримиз ва унинг шонли ўтмишига бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ортиши шубҳасиз. Аждодларимиз олис мозийдан туриб бизга руҳий куч-қувват ва кўзлаган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлидаги яратувчилик ишларимизга қанот беради.

Солиқ академиясида ҳам Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганишнинг аҳамиятини ёшларимизга тушунтириш, уларнинг онг ва шуурига, қалбига етказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Факультатив дарс ва семинар машғулотларида бой тарихимизни чуқур ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш лозимлиги ҳақидаги таклифлар Академиямиз раҳбарияти, прфессор-ўқитувчилар жамоаси томонидан мамнуният билан қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Исломжон ЯҚУБОВ,
Солиқ академияси бўлим бошлиғи.
Беҳзод ТОШПЎЛАТОВ,
Солиқ академияси услубчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Спикери ўринбосарлигига номзод кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, бу партиянинг давлат олий органидаги ўрни ва мавқеи бир қадар ошишидан далолат беради.

Назорат қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Президентга асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилган.

Икки қонун лойиҳаси муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган хатида баён этилган шарҳларда қонун лойиҳаларининг аҳамияти чуқур изоҳлаб берилган бўлиб, мазкур ҳужжатлар партиямизнинг келгуси фаолиятида дастуриламал вазифасини ўташи табиий.

Йиғилишда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларида қонун лойиҳаларининг мазмунмоҳияти, аҳамияти чуқур ўрганилиб, партиянинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулият ва ваколат юкини тўла англаб олмоғи зарурлиги долзарб вазифа эканлиги уқтирилди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова, Марказий кенгаш аъзоси Лола Саидова, партиянинг вилоят кенгашлари раислари Баҳодир Бобожонов, Бахтиёр Мўминов, Пахритдин Шарипов, Марказий кенгаш аъзоси, «Бобур» халқаро жамғармаси раиси Зокиржон Машраповлар сўзга чиқиб, қонун лойиҳасини тўла маъқуллашларини билдирдилар.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаши котиблари, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш аъзолари, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари етакчилари, партия фаоллари, сиёсатшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ҲАЁТИЙ ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР МУҲОКАМАСИ

Жамият ва қонун

Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

Пировардида тадбиркорлар имтиёз ва имконият туфайли эмин-эркин фаолият юритиб, иқтисодий салоҳиятини кўтармоқдалар. Бироқ, бундай имкониятдан ғаразли, эгри мақсадларда фойдаланаётган айрим тадбиркорлар учраётгани афсусланарли ҳолдир.

Чирчиқлик Ф.Ҳамидова тадбиркорликнинг тўғри йўли қолиб эгрисидан кетди. Яъни, у жорий йилнинг 26 сентябрь ойи бошларида «Чернявка» бозоридан 20230 дона қалбаки акциз марка, 9150 дона спиртли ичимликларни герметик усулда қадоқлайдиган чулклар, «Золотой колос», «Экстра», «Тошкент оқшоми» каби арақларнинг ёрлиқлари, уларнинг пластмасса ва металл қопқоқларини номаълум шахсдан сотиб олди. Шундан сўнг уларни Чирчиқ шаҳридаги бозорда сотишга тараддудланаётган пайтда тезкор ходимларимиз томонидан қўлга олинди. Йўқса, минглаб шиша сохта спиртли ичимлик савдога чиқарилган, инсонлар ҳаёти хавф остида қолган бўларди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқаро Ф.Ҳамидовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Кузнинг ўрталарида тадбиркор Ш.Мирзахўжаевга

ЭГРИ ЙЎЛ АДАШТИРАДИ

тегишли савдо дўконидан фуқаро О.Қосимов қиймати 75 минг сўмлик уяли телефон аппаратини сотиб олди. Бироқ сотувчи Ж.Мирзахўжаев тушум пулини назорат касса машинасидан ўтказишни «унутди». Афсуски, дўконда қонунбузилиш ҳолатлари шугина эмас экан. Текширишлар давомида хорижда ишлаб чиқарилган 59 турдаги 109 дона радио-алоқа, оргтехника маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатсиз сотилаётгани ошкор бўлди. Дўкон эгаси Ш.Мирзахўжаевнинг сўзларига қараганда, қиймати 9456800 сўмлик товарларни Тошкентдаги бозорлардан харид қилиб, уларни сотувга чиқарган.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида пулни «нақдлаштириш»га муносабат кетган тадбиркорлар, уларнинг банкдаги маблағларни айлантиришлари ва унга қарши ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида бир неча марта ёритилди. Афсуски, бундан тегишли хулоса чиқармаётган юртдошларимиз ҳамон учраб турибди.

«Чирчиқ голд бизнес» МЧЖ раҳбари Аҳмадиёр Маханов ҳам бу борада устаси фаранглардан экан. У «ким билиб ўтирибди» деган ўйда бир йўла иккита ҳисоб рақами очиб, отига қамчи босди. У таъсис ҳужжатларида юридик манзилини шаҳардаги 3-микрорайон, 35-уй; 15-хонадон деб кўрсатиб, 2005 йил 25 октябрда Миллий банкнинг Чирчиқ шаҳар бўлимида ва 2006 йилнинг 21 февралида эса ушбу банкнинг Тошкент шаҳар бўлими, «Академик» филиалида очди. Қизиғи шундаки, масъулияти чекланган жамият томонидан 4-5 ой оралиғида ҳайратланарли даражада молиявий пул ўтказиш операциялари бажарилди. Мисол учун, 2005 йилнинг 25 октябридан 2006 йилнинг 6 март кунига қадар жамият ҳисоб рақами орқали дебет айланма 1282657417 сўмни, кредит айланма эса 1282669167 сўмни ташкил этган. Эътибор беринг, А.Маханов жорий йилнинг 23 февралида «Оҳангарон шифер» акционерлик жамиятига 31,26 млн. сўм ва 6 март куни эса 12,58 млн. сўм пул ўтказиб корхонадан қурилиш материаллари харид қилган. Бироқ уларни сотишдан тушган тушум пулларни банкка топширишни хаёлига ҳам келтирмаган. Текшириш чоғида эса корхона тасарруфида бирон дона ҳам қолдиқ шифер бўлмаганлиги аниқланди.

«Чирчиқ голд бизнес» МЧЖнинг жиноий кирдикорлари шугина эмас. Жамият ўз фаолияти давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш борасида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйган. Хусусан, унинг раҳбари Чирчиқ шаҳар давлат солиқ идорасига солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобни топширдию, бироқ 1,5 фоизли йўл жамғармасига топширилиши шарт бўлган 9366,2 минг сўм, 1 фоизли мактабни ривожлантириш жамғармасига 7594,4 минг сўм, жами 23627 минг сўм мажбурий тўловларни тўлашни негадир ёдидан чиқарди. Бу билан у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисмида қайд этилган солиқ ва мажбурий тўловларни жуда кўп миқдорда қасддан тўлашдан бўйин товлаган. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдорда бузиб, жиноят аломатларини содир этган.

«Сўнги пушаймон — ўзинга душман», — дейди халқимиз. Шу боис пушаймон қилмаслик, афсус чекмасликнинг ягона йўли бу — тўғри ва ҳалол пул топиш эканлигини унутмасликдир.

Улуғбек УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚҚ Департаменти Тошкент вилояти бошқармаси Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи.

Партия ҳаёти

Инсон ҳамиша ўз меҳнати орқали ҳурмат, обрў, эътибор топади. ЎзМТДП Хоразм вилояти Боғот туман кенгаши раиси Сўнажон Душамовани ҳам кўпчилик фаол ва фидойи раҳбар, оилада, жамоат ишида ҳам жонкуяр аёл сифатида яхши танийди. У ташкиллаштирган ҳар бир тадбир кўтаринки руҳда ўтади доим. Сабаби, Сўнажон опа режани пухта қилган ишда ютқазмайди, деган иборага амал қилади.

Раҳбар ташаббускор бўлса

Аҳоли орасида ва меҳнат жамоаларида партия ғоялари, вазифалари, дастурий мақсадлари ва амалий фаолияти тўғрисида тарғиботташвиқот ишларини олиб бориш, кексалар, ўқувчи ёшлар, талабалар ўртасида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириш унинг кундалик иши. У ўз ишидан кўч-ғайрат олади. Одамларнинг дил сўзларини эшитиб, уларнинг фикр-ўйлари, муаммолари билан қизиқиб, имкон қадар ёрдам беришни яхши кўради.

Тумандаги партия аъзолари томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури бўйича ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Кейинги вақтда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш, уларни сафларини ҳалол, пок ва фаол кишилар билан кенгайтириш, корхона, ташкилот, маҳалла ва мактаблардаги бошланғич ташкилотлар тузиш, уларнинг ишини яхшилаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинди.

— Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган тинчлик, аҳиллик ва иқтисодий тараққиёт сиёсатини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб боришимиз зарур, — дейди Сўнажон Душамова. — Ватанимизнинг эртанги куни янада фаровон бўлиши, равнақи, фарзандларимиз келажаги, камоли, буюк аждодларимиз яратган моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш бизнинг зиммамиздаги вазифа. Аслида ҳар бир миллатнинг мавжудлигини шу миллат вакилларининг асрий анъаналар, азалий қадриятларига эътибори белгилаб беради. Ҳеч қачон миллий ғуруримиз йўқолмасин. Ташаббусимиз сўнмасин. Биз — ҳар бир партия аъзоси миллий қадриятларни тиклаш йўлида бор имкониятимизни ишга солайлик. Фарзандларимиз ота-боболаримизга муносиб ворис бўлиб улғайишсин. Партиядошларимизнинг бош мақсади ҳам шу.

Туман кенгаши фаоллари яқинда «Ҳомийлик — инсон юрагидаги энг эзгу туйғу» номли тадбир ўтказишди. Бундан ташқари, болалар боғчаларида, мактаб ва коллежларда, марказий касалхона ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳар бир тадбир самара бераяпти. Юзма-юз мулоқотлардан сўнг партия сафига кириш истагини билдираётганлар кўпаяётгани бунинг исботидир. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар доимо эъзозда. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, маслаҳатларини олишни партия фаоллари ўз бурчи деб билишади. Табиатан тинибтинчимас Сўнажон опа раҳбарлигида амалга оширилаётган эзгу ишлар эзгу ишлар тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Партия сафида ана шундай ташкилотчи инсонлар борлигидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Зайнаб БОБОЖОНОВА,
Хоразм вилояти.

Сиз бунга нима дейсиз?

ЗИЁРАТГОҲДАГИ ҒАЛАТИ ВОҚЕА

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида "Оқ остона" номли муқаддас қадамжо бор. Бу ерда авлиё Абу Хурайранинг мақбаралари жойлашган бўлиб, ундан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Одамлар, айниқса, узоқ сафардан қайтгандан сўнг бу масканни тавоф этишга одатланиб қолишган.

Яқинда пойтахтдан уйга қайтгач, шу ерга зиёратга бордим. Абу Хурайра ҳазратлари ҳақига дуо ўқишни, ният қилишни истаб эшик ёнида ўтириб, Қуръон тиловат қилаётган мулланинг ёнига бордим. Олдиларига ёзилган белбоққа эҳсон ташлаб, дуо қилишларини сўрадим. Аммо ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Сураларни кетма-кет қайтараётган мулла тез-тез ўрнидан туриб, қабр устига қўйилган пулларни олиб келар, ўзининг олдига қўйилган пулларни ҳам йиғиштириб оларди. Бунисиям майли, хайр-эҳсон учун олиб келинган таомлар «ҳангома»си ундан ҳам ошиб тушди. Шу атрофда ўтирган муллалар эҳсон қилинган таом, нон, қандқурсларни кимга қанчадан бўлиб бериш ташвиши билан билан овора эдилар.

Энг афсусланарлиси, ҳар тарафда баланд овозда дуо ўқиётган муллаларнинг ғўлдираб нима деяётганини кўпчилик мутлақо тушунмасди. Улар эса овозларининг беўхшов чиқишига ҳам эътибор беришмасди. Атрофга аланглаб қарашар, аниқроғи, ким пул берар экан, деб умидвор эдилар.

Инсонларнинг қалбига иймон нурини берувчи бу масканда номақбул хатти-ҳаракат қилаётганларни ким деб аташ мумкин? Менинг назаримда, холис, савоб иш қилинадиган жойни баъзи ўз манфаатини ўйлайдиган кишилар эгаллаб олганга ўхшайди.

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА.

Ислоҳот ва самара

ТОЛА СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тахтакўпир ва Кегейли туманлари фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи «Халқобод момиғи» очиқ акциядорлик жамиятида олиб борилган капитал реконструкция корхонадаги иш шароитини яхшилаш билан биргаликда сифатли тола ишлаб чиқариш имконини ҳам берди.

— Бу ишни биз жуда қисқа фурсатларда амалга оширдик, — дейди акциядорлик жамияти раиси Мурод Қосимов. — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Қорақалпоқпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг амалий ёрдами билан кейинги олти ой ичида корхонамизни тўла таъмирлаб олдик. Юқори ташкилотларнинг кўрсатаётган бундай ғамхўрликларидан ишчи-хизматчиларимиз беҳад мамнун бўлишмоқда. Илгарилари ишлаб чиқариш жараёнлари деярли тарқоқ ва бир-биридан узоқ масофада жойлашган эди. Капитал таъмирлашдан сўнг улар бир-бирига яқинлаштирилиб, замонавий қисқа технология жорий этилди. Бу билан ҳар томонлама қулай иш шароити вужудга келди.

Цехларни айланар эканмиз, мутасаддиларнинг бу корхонани бизга бежиз тавсия этишмаганини ҳис этдик. Беқиёс ўзгаришлар жамоанинг меҳнатдаги ютуқларида акс этмоқда. Уччала туманнинг фермер хўжаликларидан қабул қилиб олинган 20 минг тоннадан зиёд пахтанинг ҳар бир килограммидан юқори сифатли тола ишлаб чиқариш иштиёқи мутахассисларга алоҳида куч-ғайрат бағишлаяпти.

— Шундай қулай шароитда меҳнат қилишнинг завқи ўзгача бўларкан, — дейди 17 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётган ишчи Гулойим Абдумуродова. — Кенг ва ёруғ цехларда ишлаб, шундай замонавий технологияларни бошқариш тушимизга ҳам кирмаган эди.

Айни пайтда бу ерда 440 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг самарали меҳнатлари боис толанинг чиқиши ўртача 33 фоизга тўғри келаяпти. Сифати эса яхшиланиб бормоқда.

— Ишни уч сменада ташкил этганмиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Сойиммуҳаммад Пиржонов. — Ҳар бир сменада одамларга бир маҳалдан бепул иссиқ овқат берилади. Бундан ташқари, улар махсус кийим билан таъминланган. Цехларда чўмилиш хонаси мавжуд. Тиббий ёрдам пункти жамоа аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади. Гигиена хонасида хотин-қизлар кўрикдан ўтишади. Йигирма нафардан зиёд ишчи-хизматчимиз бу йил мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида бепул дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашди.

Ҳозир корхонада ўртача иш ҳақи 70 минг сўмни ташкил этмоқда. Аҳмед Жапакоф, Аяп Темирхонов, Достон Отабеков, Обод Шерозов сингари тажрибали ишчилар 110 минг сўмдан маош олишяпти. Ўзларига бўлган жиддий эътибор кўпчиликни унумли меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Яхши ишларнинг шарофати корхонанинг юксалиб бораётган иқтисодий кўрсаткичларида намоён бўлаяпти.

Акциядорлик жамиятида яқинда яна бир муҳим янгилик рўй берди. Уруғлик чигит тайёрлайдиган замонавий цех қуриб, ишга туширилди. Корхонанинг бу янги тармоғи Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли, Чимбой, Нукус, Қораўзак, Тахтакўпир, Чимбой туманларини сифатли уруғлик билан таъминлайди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Замондошларимиз

Фотима Шарипова ўз меҳнати, истеъдоди, ютуқлари билан Ўзбекистонни жаҳонга танитаётган юртдошларимизнинг бадиий сиймоларини яратмоқда. Унинг Зокировлар сулоласи ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Абадият ибтидоси» номли хужжатли қиссаси бунга мисол бўла олади. Аввалига асарнинг қизиқарлилигини Зокировлар ҳаёт йўлининг ранг-баранглигига йўйдим. Лекин муаллифнинг таниқли дирижёр Дилбар Абдураҳмонова ҳаётига бағишланган «Мусиқа менинг ҳаётим» номли хужжатли қиссасини ўқигач, фикрим ўзгарди. Фотима опанинг асл касби санъаткор бўлгани учун буни яхши ҳис қилган ва очиб бера олган. Бироқ... унинг бокс бўйича илк жаҳон чемпиони Руфат Ризқиевнинг ҳаёти ва маънавий қиёфасини нақадар моҳирлик билан очиб берганини кўриб шундай тўхтамга келдим: у ҳақиқатдан ҳам сезгир қалб ва юксак маҳорат эгаси. Шу сабабли ёзганлари одамлар қалбига етиб боради. Биз Манон Уйғур номидаги санъат институти катта ўқитувчиси Фотима ШАРИПОВАни суҳбатга тортдик.

«НИЯТИМ, МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ»

— Фотима опа, яқинда кетма-кет иккита китобингиз чоп этилди. Улар ўқувчиларда қандай таассурот қолдирди?

— Инсоннинг буюклиги унинг бўй-басти билан белгиланмаганидай, халқнинг буюклиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди. Олтин, нефть, йирик саноат корхоналари ёки пахта тўғрисида гапираётиб фахр билан уларни миллий бойликларимиз дея атаймиз. Менимча, халқимизнинг энг катта бойлиги унинг маънавияти бойлигидир. Мен халқимизнинг атоқли фарзандлари тўғрисида ёзаётиб, шон-шуҳрат, юксак эътибор кутмадим. Мақсадим енгил яшашни афзал кўраётган айрим ёшлар ва уларга акс тоифа ҳисобланмиш комил инсон бўлишга интилганларга Руфат Ризқиев, Дилбар Абдураҳмонова, Ботир Зокиров каби иродаси кучли, мақсад сари интилувчан инсонларнинг босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлларини ибрат қилиб кўрсатишдир. Қолаверса, ўзбек миллатининг фахрланса арзигулик фарзандларининг очилмаган қирраларини ёритиб, миллатимизнинг довруғини дунёга таратишни орзу қилдим. Бу борадаги ҳаракатларимни ҳали давом эттираяпман. Китобларимни рус ва инглиз тилларига таржима қилиб қўйганман. Худо хоҳласа, уларни китоб ихлосмандларининг қўлига етказиш ниятим бор.

— Ҳамма нарсага осонгина эришишга интилаётган ёшларга таъсир кўрсатишни истадим, дедингиз. Ўша ёшлар китоб ўқийди, деб ўйлайсизми? Умуман, ўз мухлисларингизни қандай тасаввур қиласиз?

— Албатта, уларга таъсир кўрсатаман деб уриниш балки катта бир тўлқиннинг олдига қулоч ёзиб чиқиш билан баробардир. Чунки очиғини айтиш керак, бугунги кунда ҳамма китоб ўқийди, дейиш қийин. Одамлар турмуш ташвишларига ўралашиб қолган, китоб оламига вақт топиши қийин. Ушбу фикримдан келиб чиқиб, демак, китоб ёзишга эҳтиёж ҳам йўқ экан-да, нега унда ўз фикрингизга қарама-қарши иш қилаяпсиз, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Лекин ёзганларим билан битта одамнинг ҳаётида ўрин қолдирсам, унинг қарашларида ўзгариш бўлса ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

— Сиз кўпчиликнинг эътиборини қозониб улгурган ва ўз соҳасининг усталари бўлган одамлар тўғрисида қалам тебратишга жазм этибсиз. Хужжатли қиссаларингизни ўқиб, комилликка интилаётган ёшлар учун мукаммал инсон образини ҳаммамиз қатори жонли инсон тимсолида ибрат қилиб кўрсата олганингизга амин бўлдим. Бу сизнинг ютуғингиз, албатта. Лекин машҳур одамларнинг ички оламини ёзиш қийин эмасми?

— Бир куни ўғлим Шамшодбек менга: «Фақат ўлганлар тўғрисида ёзиш нисбатан осон, чунки ҳаммасининг тўғрилигини исботлайдиган унинг ўзи йўқ. Қани энди устозим Руфат Ризқиев каби инсонлар тўғрисида ҳам ўзи тириклигида асарлар ёзилса...», — деди. Бу мени мавҳумликдан олиб чиқади. Ўзимнинг нима истаётганимни гўё топиб олгандай бўлдим. Лекин бошламоқчи бўлган ишимнинг масъулиятли эканини яхши билардим. Мен Руфат ака ҳаётининг пасту баланд чўққиларидан яхшигина хабардор эдим. Шунга қарамай, уни яна йиллаб кузатишга, ўрганишга, ўнлаб ён дафтарчаларни у ҳақидаги фикрлар билан тўлдиришга тўғри келди. Бунинг устига, спортчидек кам гапирадиган одамнинг оғзидан гап олиш осон бўлмади. У инсондаги мардлик, камтарлик, ироданинг кучлилигидан таъсирланиб энергия олдим. Бироқ Руфат ака ўзи ҳақидаги китобни ўқиб «Фотима, мен қўрқиб кетдим. Сенинг рентген нурларинг бормикан, деб ўйладим. Ичимни шундоққина кўриб қўйибсан», деган гапни айтдилар.

— Консерваториянинг скрипка бўлимида таҳсил олганингиздан хабаримиз бор. Бу соҳада бир қанча ютуқларга ҳам эришгансиз. Билишимча, ўша пайтларда қизларни спортга қўйишмагани каби санъат йўлида кетишига ҳам кўпинча йўл беришмаган. Ота-онангиз сизга қаршилик қилмаганми?

— Отам мени ҳуқуқшунос ёки шифокор бўлишимни истардилар. Олти ёшимда уйимизга биринчи марта телевизор олиб келишган. Унда скрипка чалаётган қизларни кўрсатишаётган экан. Катта бўлсам, албатта, шу касбни эгаллашимни айтдим. Отам: «Бу бизга бегона касб-ку!» — дедилар. Онам тарафимни олиб: «Бир одамнинг қийналиб қолганини кўриб, уйидаги бору йўғини чиқариб беради, қонни кўрса ёмон бўлиб қолади, бундан қандай қилиб ҳуқуқшунос ёки шифокор чиқсин? Қўяверинг, хоҳлаганига ўқисин, оила қурса ўзи ташлаб кетади», — дедилар. Шунда мен гапга аралашиб: «Иккаласи ҳам одамнинг тақдирини ҳал қиладиган касб, мен бундай ишга журъат этолмайман», — деганман. Отам олти ёшли қизалоғининг фалсафасидан завқланиб, эртасигаёқ мусиқа мактабига олиб борганлар.

— Санъат соҳасининг сизга бегона эмаслиги, консерваторияда дарс беришингиз «Мусиқа менинг ҳаётим» қиссасини ёзишда қўл келган бўлса керак?

— Буни инкор этмайман. Лекин мен бу асарни мусиқа тўғрисида ёзиш менга қулай бўлгани ёки Дилбар Абдураҳмонова бизга яқин экани учун ёзмадим. Опера ва балет катта театрининг биринчи аёл дирижёри, дунё тан олган санъаткорнинг ижодига тан бераман. Модомики, қўлимга қалам олган эканман, у ҳақида ёзмаслигим мумкин эмасди.

— Йўқ одам тўғрисида ёзиш осонми?

— «Абадият ибтидоси» ҳақида сўраётган бўлсангиз керак. Аксинча, Ботир Зокировнинг санъатига, шахсига муҳаббатим шунчалик баланд эдики, елкамдаги масъулият юки ҳам ўша даражада оғир бўлди. Ахир у ҳақида қалам тебратиш учун мен унинг даражасига кўтарилишим, қўшиқлари тўғрисида гапираётиб, ўқувчиларим руҳини унинг қўшиқлари сингари кўз илғаб, баландликларга парвоз эттиришим керак эди. Ботир Зокировдек иродали инсон тимсолида ёшларимизнинг ахлоқий, маънавий тарбиясига озгина бўлса ҳам ҳиссамни қўшмоқчи бўлдим. У зот ёш умри билан бу дунёда шону шуҳрат, молу давлат, инсон жисми ҳам ўткинчи эканини, биздан фақат қилган ишларимиз қолишини исботлаб кетди. Тасаввур қилиб кўринг, ўлган бўлса ҳам шундай бебаҳо инсон тўғрисида осонгина қалам тебратиб бўладими? Қолаверса, замонавий ўзбек эстрада қўшиқчилик санъати тарихи Зокировлар сулоласи номи билан чамбарчас боғлиқ. Мен улар ҳақида гапираётиб бу жанрнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини умумлаштириш ва тизимлаштиришга маълум даражада уриниб кўрдим. Бу йўлда менга кўмак берган Жамшид Зокиров ва Гавҳар Зокироваларга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

— Ҳар бир инсоннинг бошқалар белгилаб берган даражасидан ташқари ичида ўзи учун ўзи берган баҳоси бўлади. Сиз ҳам мусиқачи, ҳам ёзувчи, ҳам ўқитувчисиз. Қайси соҳада ўзингизни кўпроқ тан оласиз?

— Ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган сирларимни ҳам очиб юборишга мажбур қилаяпсиз мени. Орқамга ўгирилиб қарасам, ҳеч нарса қолмаганини кўриб қолдим. Очиғини айтсам, мен ўз ўрнимни энди топаётгандайман. Асарлар ёзишни жуда кеч бошладим. Эҳтимол, кеч ҳам деб бўлмас, асли вақти шудир. Чунки турмушда бир неча саволларга бир қадар жавоб топиб, аниқроқ айтганда, ҳаёт мактабидан анча-мунча тажрибага эга бўлгач, ёзишга жазм этдим. Ўзимни тан олишимга келсак, бунга ҳали эрта. Ўзимдан кўнглим тўлиши яшашдан тўхтаб қолганимдан далолат беради. Саводли одамдан кўра чаласавод одам хавфлироқ, дейишади. Чунки саводли одам ўзининг кимлигини билади, чаласавод эса этагингиздан тортиб, ўз даражасига туширишга қўйишга интилади. Ҳозир тўхтаб қолсам, ўрталиқда қолиб кетишим мумкин. Оиламизнинг шиорга айланиб қолган бир гапи бор. Биз ҳар кунимизни бир-биримизга «Кунинг бекор ўтмадими, ишқилиб?» деган саволни бериш билан якунлаймиз.

— Мабодо сизни танқид қилишса ҳафа бўлмайсизми?

— Мевали дарахтга тош отилади дейишади. Танқид қилишса, шунга лозим топишганидан хурсанд бўламан.

— Мукаммал аёлни қандай тасаввур қиласиз?

— Жамиятда ўз ўрнига эга бўлган аёлни мукаммал деб ўйлайман. Бундан ташқари, сабр-тоқати ҳам аёлнинг нечоғлик мукаммаллигини белгилаб беради. Кучли аёл ўзини ва атрофидагиларни бахтиёр қилиб яшашни билади.

— Ўзингизни ана шундай аёллар сафига қўша оласизми?

— Бунга жавоб бериш қийин. Лекин ўзимнинг яхши она эканимга ишонаман. Жамият оиладан бошланади. Оилада хотиржамликни ўрнатса олган ҳар бир аёлнинг жамиятда ўрни бўлса керак. Сабр-тоқат масаласига келсак... Устоз Миртемирнинг «Мажнунтол тагига ўтқизинг мени, энди у йиғласин мен йиғлаб бўлдим» мисраларини жуда кўп такрорлайман.

— Ёзувчиликда энг муҳими нима деб ўйлайсиз?

— Самимият.

— Сизнингча ижодкорлик тақдирми ёки жазо?

— Ҳам тақдир, ҳам жазо. Ижодкорга ўз бошидан ўтганларини, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуларини ўз қаҳрамонлари орқали намоён қилиш имкони берилган. Жазо шундаки, у шу ишни бажариш учун қийналади десам муболаға бўлмайди. Сабаби, ҳар бир қаҳрамонининг ҳаётини ўрганишга мажбур. Чунки муаммосиз инсоннинг ўзи бўлмайди. Ва ҳар бир киши ўз муаммоларини энг оғир муаммо деб, ўз ҳаётини энг машаққатли ҳаёт деб билади. Мен қийналмадим, деган инсонни ҳали учратмадим. Ёзувчи ана шу инсонларнинг ҳар бири билан биргаликда қийналиши керак. Акс ҳолда, ўқувчини ишонтира олмайди. Пушкин Татьяна Онегиндан юз ўгириб кетганда, Қодирий Кумушни ўлдириб қўйганида қаҳрамонларига қўшилиб йиғлаган экан.

— Агар сир бўлмаса, сиз қайси қаҳрамонингиз билан қўшилиб йиғлагансиз?

— Қаҳрамонларимнинг ҳаммаси болаларимдай гап. Инсонга ҳар бир боласининг дарди ўзиникидан кўра аччиқ бўлади. Лекин фарзанд доғидан кўра оғирроқ дард бўлмаса керак. «Абадият ибтидоси»ни ёзишда кўп йиғлаганман.

— Адашмасам, «Миллий тикланиш» партиясининг аъзосисиз. Нима учун айнан шу партияни танлагансиз?

— Чунки бу партия ўз номи ўзи билан миллий тикланиш. Унинг бош мақсади миллатни, миллийлигимизни тиклашга қаратилган.

Менимча, қилаётган барча ишларим ҳам шу мақсадга қаратилган. Мен миллий қаҳрамонимиз сиймосини яратишга уринаяпман.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Мустақиллик неъматлари

ПЕШТОҚЛАРДА НУР ЖИЛОСИ

Истиқлол йилларида юртимиздаги бир қанча тарихий иншоотлар қаторида Самарқанддаги Исмоил ал-Бухорий, Гўри Амир, Регистон, Бибихоним сингари обидалар тубдан таъмирланди, чиройига чирой қўшилди.

Яқин йилларда Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор Валий зиёратгоҳларида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, истиқлол шарофати билан бошқа вилоятлардаги қатор меъморий обидалар, аждодларимиз ақл-заковатининг бебаҳо дурдоналари бўлмиш ёдгорликлар ҳам асл жилосига, маҳобатига эга бўлмоқда. Бу савобли ишларда Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш «Маъмур-96» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоасининг муносиб ҳиссаси бор.

Мамлакатимиздаги тарихий обидаларнинг ҳайратланарли жиҳатларидан бири, улардаги араб имлосидаги ёзувларда битилган оятларнинг жилоланиб туришидир. Ҳар бир калима тарихдан сўзлайди, ҳидоятдан сабоқ беради. Айни пайтда шарқона рангтасвирлардаги жилолар ўзига хос санъат асари сифатида кишини ўзига мафтун этади. Обидалардаги ҳар бир нуқта, ҳар бир ишора ўз аҳамиятига эга. Бу эса уни қайта тикловчи, таъмирловчи усталардан илмий салоҳиятни талаб қилади.

— Биз иншоотларнинг бузилган, вайронага айланган қисмларини олимларимиз томонидан тавсия этилган илмий лойиҳалар асосида асл ҳолатига қайтариш билан шуғулланамиз, — дейди акциядорлик жамияти раиси Аҳмад Раҳмонов. — Ҳар бир обида ўз яратилиш даври архитектураси маҳсулидир. Шу боис усталаримизнинг «ижодкор» қилишига изн берилмайди. Соҳамиз мураккаб бўлиб, ходимларимиздан сабот-матонат талаб қилинади. Ҳозир жамоамизнинг фахри ҳисобланмиш устоз меъмор, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадовнинг шогирдлари сафи тобора кенгаймоқда.

— Чиндан ҳам ишларингиз жуда нозик ва масъулиятли. Борди-ю, муаммолар туғилиб қолса, шогирдлар чидашармикан? — деб сўраймиз Аҳмад акадан.

— Тўғри, муаммолар ҳам учраб туради. Масалан, очиқ ҳовли саҳнларига ётқизиладиган қадимий ялпоқ ғиштни тайёрлаш технологияси оддий пишиқ ғиштникидан анча фарқ қилади. Унинг тупроғини танлаш, ювиш, мўътадил меъёрдаги ҳароратда пишириш, ранг бериш, сирлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳозир соз ғишт Навоийда тайёрланмоқда, бўёқ тайёрлашда ишлатиладиган қўшилмалар эса Россия, Украинадан олиб келяпмиз.

Уста билан суҳбатлашар эканман, улкан обидаларнинг дарз кетган, ўпирилган қисмини бутлаш қанчалар масъулиятли, мураккаб юмуш эканини дил-дилдан ҳис қилдим. Ҳа, тарихимизни сақлаб қолиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Бу вазифа фақат усталар, таъмирчилар, шунингдек, тегишли идораларгагина тааллуқли десак, хато қиламиз. Миллий-маънавий бойликлар — барчамизники. Демак, уларни асраб-авайлаш ҳам ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шоҳи Зинда, Регистон мажмуасида, унинг атрофида олиб борилаётган ишлар, бошқа жойлардаги юмушлар ҳам ўз-ўзидан бўлмаётганини ҳисобга олган ҳолда, обидалар қадрини ҳар биримиз англаб етмоғимиз шарт. Ўшандагина бизнинг бойликларимизни ўзгалар ҳам қадрлайди.

Қайта яшариб, юртимиз чиройига чирой қўшаётган, инсониятни неча даврлардан буён ҳайратга солиб келаётган кўҳна ва ҳамиша навқирон обидаларимизнинг барҳаётлиги миллатимиз умрбоқийлиги тимсолидир. Бунда илмий таъмирлаш билан машғул қўли гул усталарнинг заҳматли меҳнатлари, хайрли улушлари бор. Осмонўпар гумбазларга, қуёш билан юзлашиб турган пештоқларга ҳайрат билан боққанимизда, уларни бунёд этган улуғ боболаримизни ёд этсак, обидалар умрига умр қўшаётган замондошларимизни миннатдор эслаб қўйсак, қандай яхши.

Ўктам ҚУРБОНОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Меҳрга ташна қалблар эътибордан четда эмас

Бир инсоннинг кўнглини олмоқ Каъбани зиёрат қилмоқ билан баробардир, дейишади машойихлар. Дарҳақиқат, бир кўнгилни кўтариш зиёрат машаққатлари каби қийин. Унинг инжиқликларига чидаш ундан-да оғир. Катталарни-ку қўя турайлик, дунёда бола кўнгличалик нозик нарса бўлмаса керак. Ахир, эндигина улғаётган, ҳаётнинг яхши-ёмонларини ажратаётган бола билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлмасангиз, унинг миттигина қалбига озор етказишингиз, қолаверса, уни бир умрга мажруҳ қилиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Агар, бола туғма ногирон бўлсачи? Бир сўз билан айтганда, унинг соғайиши учун инсондан каттагина сабр-бардош, меҳр талаб этилади.

Тошкентдаги 1-"Мурувват уйи" тарбиячилари ана шундай вазифаларни ўз зиммаларига олган. Айни пайтда ушбу масканда республикамизнинг турли худудларидан келган уч юздан ортиқ ногирон ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Зарурий тиббий муолажаларни олмоқда. Ақлан заиф, ҳар хил сабаблар билан ногирон бўлиб қолган болаларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида эса ширин сўз, эътибор зарур.

Айтиш жоизки, юртимизда истиқлол йилларида бошқа жабҳалар сингари тиббиёт соҳасига, хусусан, "Мурувват уйлари"га ҳам етарли эътибор берилмоқда. Натижада ногиронларнинг даволанишлари, соғлом ҳаётга қайтишлари учун барча шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилаётир. Бунга биз сўз юритаётган "Мурувват уйи"ни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда иккита соғломлаштириш зали, битта массаж хонаси, сувда даволаш ишларини олиб бориш имконини берувчи бассейн, минифутбол, баскетбол, енгил атлетика, волейбол билан шуғулланишга мўлжалланган спорт мажмуалари даволанувчилар хизматида.

— Бу давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибору ҳомийлар ёрдамида қилинаётган ғамхўрликлар самарасидир, — дейди "Мурувват уйи" директори Татьяна Григоровна. – Илгари яшаш биноларининг созланмаганлиги, сифатсиз қурилган санитария узеллари, чойшабларни тунда қуритиш тизимларининг йўқлиги қийинчиликлар туғдирарди. Шукрки, эндиликда бундай муаммолар йўқ.

Ногирон болалар йилда икки марта тиббий назоратдан ўтказиб турилади. Таҳлиллар натижасига кўра, касаллар амбулатор ва стационар режимида даволанади. Яқинда оғир касалликларга оид бир неча мураккаб операция ҳукумат кўмаги ва ҳомийлар муруввати билан Жанубий Корея, АҚШ сингари хориж давлатларида ўтказилди. Бунинг натижасида ўзини умуман эплай олмайдиган болалар ҳозирда ўтиришни, ногиронлар аравачасида юришни, ёрдамсиз тура олишни, ўзлари овқатланишни ўрганиб қолишди. Бундай ногиронлар учун мана шунинг ўзи ҳам катта бахт. Ахир, улар бир умр шунга интилиб яшаб келган. "Мурувват уйи" аҳволидан доимий бохабар бўлаётганлар, керак бўлса, меҳрини аямаётган ташкилот ва идоралар сафида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, Молия вазирлиги, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси, "Ғаллабанк" бор.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан ёрдам қўлини чўзаётганлар сони янада кўпайди. Албатта, уларнинг ҳимматларидан мамнунмиз, — дейди шу муассаса ходимаси Маҳмуда опа.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Мурувват уйи" тарбияланувчилари яқинда Бельгияда ногиронлар учун махсус ташкил қилинган спорт олимпиадасида қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришишди.

Мазкур масканда олиб борилаётган ишларнинг барчаси республикамизда кўнгли ярим инсонлар эътибордан четда эмаслиги, аксинча доимий ижтимоий, маънавий ардокда эканлигидан далолат беради.

Гулчеҳра ТЕМУРОВА, Тошкент давлат педогогика университети магистранти.

НИГОҲ

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш мақсадида «Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида» ва «Амалий санъат талаба-ёшлар ижодида» каби бир қатор мавзуларда ижодий кўргазмалар ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Куни кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорликда фотосуратлар уйида ўқувчи-талабалар ижодий асарлар кўргазмасини ташкил этди.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад «Тасвирий санъат, графика ва амалий санъат» йўналишларида таҳсил олаётган ёшларнинг ижодий асарлар кўргазмасини ташкил этишдан иборат. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олаётган ўқувчи талабалар ўртасида бўлиб ўтган ушбу учрашувда республикамизнинг барча худудларидан келган талабалар ўзлари яратган рангтасвир (портрет, натюрморт, манзара, маиший асар), графика (плакат) ва амалий санъат (наққошлик, ёғоч ўймакорлиги ва миниатюра санъати) асарлари билан иштирок этишди.

Кўргазма сўнгида тасвирий санъат, графика, амалий санъат йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқ ва дипломлар топширилди.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, «Миллий тикланиш» мухбири.

Ўзбек феъли

БИР ЖУФТ КАЛИШ

Ота-оналаримиз, бувибуваларимиз бизга болалик даврларимизда айтган сўзларининг мағзи, маъносини кейинчалик тушуниб етар эканмиз. Эсимда, ўшанда онам бетоб бўлганликлари учун ўринларидан туролмас эдилар. Олти йил шол бўлиб ётдилар. Шундай бўлса-да, биз — етти нафар фарзандини ширин-ширин гаплар, эркалашлар билан йўлга солганлар. Опа-акаларим иш, ўқиш важидан барвақт уйғонишарди. Мен — оиланинг кенжаси, пучуқ момош қиз то онам турғизмагунларича ётаверардим.

— Момош, тунда оймомо ҳовлимизга кулча ташлаб кетади. Ким эрта туриб ҳовлини айланса, уни топиб олади, — дердилар онам. Бу гапдан кейин дарров ўрнимдан туриб кетардим.

Йиллар ўтиб катта бўлдим. Энди ўзим фарзандларимни уйғотиш учун уларнинг хоналарига кираман. Ширин уйқуда ётган бўлишади. Уйғотгани кўзим қиймай қайтиб чиқаман. Бугун дам олиш куни-ку, «дом»да нимаям иш бор. Ётақолсин дейман. Ўзим китоб варақлайман. Кўзим шундай жумла устида югуради. «Осмон эшикларининг ададини Худодан ўзга билмағай. Ва бани Одамдан бир-бирига осмонда икки эшик бордир ва бир эшикдан анинг ризқи тушадур ва... («Канизак қиссаси» китобидан.) Ақлим лол қолади. Яна раҳматли онагинамнинг сўзларини эслайман. Кулча ҳақидаги гапни бесабаб айтмаган эканлар-да, дейман. Доноликларидан ҳайратланаман. Бугун ҳам ухлаб қолган кезларимда қайнонам; эрта туриб юз-қўлингни ювиб атрофга салом берсанг, кўнглинг равшан тортади, дейдилар юмшоқлик билан. Қишлоқда барвақт туриб эшик-деразаларни, дарвозани очиб қўямиз. Ризқ кирсин, деймиз. Бунда ҳам ҳикмат бор экан.

Муножот қилган чоғларимизда беихтиёр кўкка қараймиз. Уйда бўлсак шифтга. Худодан ризқ сўраган чоғимизда ҳам юқорига термуламиз. Буларнинг замирида ўқиганларимнинг нечоғли ростлигини сезаман. Бекорга кексаларда фазилат, ҳикмат кўп, дейишмаскан. Кейинги дам олиш кунида болаларимнинг ётоғига кираман. Уларга оймомо кулча ташлаб кетган, ташқарига чиқсангиз уни топиб оласиз, десам ишонишармикан? Қайтиб чиқсам ҳам бўлмайди. Бугуннинг боласини қандай уйғотиш мумкин?..

* * *

Индинга ҳайит. Ҳайит кунлари барча ёр-дўстларини, биродарини, бетоб ётганларни йўқлаб боради. Ўтганларни ёд этиб, тиловат қиладилар. Қабр атрофини тозалаб, гуллар қўйишади. Ҳайит кўпчилик учун шодиёна байрам бўлса, мен учун бошқачароқ кечади у. Маъюс, маҳзун бўлиб қоламан ўша куни. Бу балки яқинларимдан, жигарларимдан олисдалигимдандир. Шу тобда эрким сиғадиган, мени тушунадиган бир инсон бўлса, уни жимгина бағримга босиб турсам. Ҳеч нарса демасам. У ҳам ҳеч нарса сўрамаса дейман. Шу лаҳзада бағримга босганим менинг онам бўлса, опам ё синглим бўлса. Қизим ё ўғлимга бу ҳолатимни кўрсатгим келмайди. Улар ҳали мурғак. Турмуш ўртоғинг барибир жигарингчалик бўлолмайди. Уларнинг ўрнини ҳар ким босолмас экан...

Кўнглимдан ўтларини сўндириш истагида яқинимиздаги қабристонга бораман. У гўё гулзорга ўхшайди. Ҳар бир қабрда гуллар, чечаклар — яшариш белгилари, яшаш истаклари... Бир четда ўтириб узоқ тиловат қиламан. Ҳовурим босилади. Бу ҳолат гўё мўъжизага ўхшайди. Енгил тортиб уйга қайтаман. Энди ўзимнинг оламдан ўтган яқинларим ҳақига дуолар ўқийман. Дуоларда ҳикмат кўп экан, деган хулосага бораман. Балки, «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё»... Балки эмас, ҳақиқатда ҳам шундай. Бунга шубҳа йўқ!

* * *

Юрагим ҳаприқиб, орзиқиб дарвозадан кириб бораман. Уйимизга яқинлашганимда негадир юрагим тез-тез уради. Ҳаяжонланаман. Ҳар сафар шу. Дарвозадан кирганим заҳоти қайнонамнинг уйига, эшигига қарайман. Кўзларим остонада тургувчи бир жуфт ковушни излайди. Унга кўзим тушгач шундай хотиржам тортаманки, бутун танимга қандайдир осудалик, ором ёйилиб кетади. Демак, бийим шу ерда экан, дейман. Шу вақтда бу жуфт калишлар мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан азизроқ туюлади. Дейдиларки, Марғилонда Кумуш кийган калиш сақланар экан. Мен кўрган калиш ҳозир ундан-да қадрлироқ. Шу биргина калишни кўриш учун Тошкентдан Ургутга қушдек, ҳатто ўқдек учаман. Шу биргина калишни кўрганимда мен туядиган ҳузурни ўзида топиш учун келинлар қайнонасини ўз онасидек севиши керак. Булар балки, менинг она меҳрига зорлигимдандир. Бийим дарров чой қўядилар. Томдон (эшик устидаги токча)дан мен учун ўраб қўйган (балки меҳмонга ҳам атагандир, негадир мен учун деб ўйлашни ёқтираман) рўмолчадан бир ҳовуч майиз, туршак, жийда олиб сандал устига, ликопчаларга қўядилар. Ҳатти-ҳаракатларини кузата туриб: онам бўлганларида ҳам шундай қилардилар дейман.

Дилором ИСМОИЛОВА.

ЕРҚЎРҒОН ҚАЗИЛМАЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?



Юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Қарши шаҳрининг илк ўрни ҳисобланмиш Ерқўрғон қазилмалари, ундан топилган ашёлар аждодларимизнинг эътиқоди, маънавияти ва турмуш тарзи ҳақида дарак бериб туради. Мозий бағрида бизгача етиб келган тарихий ноёб топилмалар миллий маданиятимизни, жаҳон халқлари асотирлари ва маданиятларининг ўзаро алоқадорлигини чуқурроқ илғаб олишга ёрдам беради. Ватанимиз тарихи ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади ва ҳаққоний ифтихор ҳиссини жўш урдиради.

Қазилмалар натижасида Ерқўрғон харобалари жойлашган ерда бир пайтлар қадимий шаҳар бўлганлиги аниқланди. Ерқўрғон археологик обидаларини ўрганишда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари айниқса жонбозлик кўрсатишаётир.

Суратда: институтнинг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов ёшларни Ерқўрғон археологик обидалари тарихи билан таништирмоқда.

Ўринбой КЕНЖАЕВ олган сурат.

● Болалар спорти

ФОРИШ ИБРАТИ

Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажаги биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва етук бўлиб вояга етишига боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги қарори асосида Фориш туманида ҳам спортга бўлган муносабат янада кучайтирилди, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими фаолият кўрсата бошлади, унинг ҳомийлик кенгаши таркиби тасдиқланди.

Аҳоли яшаш жойларида 2010 йилгача бўлган спорт мажмуалари қурилиши режаси ишлаб чиқилди. Унга биноан 5 минг томошабинга мўлжалланган туман марказий стадиони замонавий лойиҳа асосида қайтадан барпо этилди. Айни пайтда бу ерда ўндан ортиқ спорт секциялари ишлаб турибди.

Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида спорт майдончалари янгидан қуриб битказилди. «Учқулоч» руда кони ва «РСУ-III» қурилиш ташкилоти ҳомийлигида 5 та мактабнинг ёпиқ спорт заллари капитал таъмирдан чиқарилди.

Жиззах вилоятининг энг чекка тоғли туманларидан бири ҳисобланган Форишда 18 минг 535 нафар боланинг салкам 40 фоизи, бошқача қилиб айтганда, 5 минг нафардан ошиқ бола спорт мажмуаларига қатнаб, ўзлари истаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда. Туман маданият уйи қошида барпо этилган болалар спорт мажмуи етарли даражада спорт жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда миллий ва белбоғли кураш, каратэ, таэквондо, теннис, бокс, волейбол, баскетбол, мини футбол каби спорт турлари бўйича тўгарак ва секциялар ёшлар хизматида.

Маълумки, халқ ўйинларига, айниқса, тоғли туманларда эътибор катта. Фориш туманида ҳам ҳеч бир тадбир халқ ўйинларисиз ўтмайди. Ҳатто тумандаги мактаб, коллежларда жисмоний тарбия ўқув дастурларига «Арқонда сакраш», «Тортишмачоқ», «Қўл жанги», «Барчиной», «Чиллак отиш» ва миллий кураш каби халқ ўйинлари дарс сифатида киритилган.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

Суратларда: туман спортчилари ҳаётидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

● Рангин дунё

Мусиқанинг бетакрор қудрати, унинг сеҳри хусусида кўпгина фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Унга илоҳий куч рамзи деб қарашган. Масалан, ўтмишда мисрликлар чолғу асбоблари таратаётган куйни муқаддас ҳисоблаганлар. Юнон ва римликлар ёқимли оҳанглар шарафига эҳромлар бунёд этишган бўлса, ҳиндлар ва форслар эса унинг бетимсол руҳ сифатида яшашига ишонишган.

ОҲАНГЛАР ДАВОЛАЙДИ

Мусиқанинг инсон соғлигига ва узоқ умр кўришига ижобий таъсири ҳақида Шарқ алломалари ҳам ўз асарларида айтиб ўтишган. Жумладан, Абу Наср Форобий бу тўғрида шундай ёзади: «Мусиқа шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради. Бу илм соғлик учун ҳам фойдалидир. Чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади. Тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам учрайди. Шунинг учун гўзал овозлар таъсири билан руҳни соғайтиришнинг инсон соғлигига фойдаси бор».

Буюк табиб Ибн Сино мусиқанинг сеҳрли қудрати ва унинг инсон руҳиятига таъсирини ўрганиб, «Мусиқа санъатига кириш», «Шифо», «Тиб қонунлари», «Ишқ рисоласи» сингари асарларида бу ҳақда баъзи маълумотларни келтиради. Ибн Сино безгак кенг тарқалган пайтда ҳаётбахш куйлар таъсирида беморларни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шу билан бирга савдойи, васваса, безовталик, асаб тизими билан боғлиқ бир қанча касалликларни мусиқа орқали даволаш мумкинлигини ҳам амалда исботлаб берган.

Кайковус ўзининг машҳур «Қобуснома» асарида ўғлига насиҳат қилиб, қуйидагиларни ёзган: «Агар эшитувчи қизил юзлик, мошгуруч соқол бўлса, (мусиқа торининг) иккинчи торида чалгил, агар қора юзли, савдойи, ориқ бўлса, кўпроқ (мусиқани) уч торида чалгил, агар бадани оқ ва семиз ҳамда пилчилларган нам бўлса, йўғон торда чалгил».

Қадимда араб шифокорлари ҳам мусиқанинг инсон организмига тез таъсир этишини англаб, хасталарни чолғу асбоблари ёрдамида даволашган, касалхоналарга тез-тез созандалар таклиф этилган.

Олимларнинг таъкидлашича, юраги хаста кишилар учун мусиқа жуда фойдали бўлиб, ёқимли куй улардаги тушкун кайфиятни йўқотиб, фавқулодда бўлган вахима ва хавотирни бартараф этишга ёрдам бераркан.

Олимлар яна шуни аниқлашганки, мусиқани нафақат инсонлар, балки ўсимлик ва жониворлар дунёси ҳам хуш кўраркан.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

● Улуғ зотлар ҳаётидан

Ал-Бухорийнинг ёшлиги

Улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий Маккаи Мадинаи мунаввара зиёратига бориб, Мадинада — Муҳаммад пайғамбарнинг мақбараси ёнида яшаган ва ўзининг энг буюк асарларини ёзган. Бу пайтда ул зоти муборак 18 ёшда бўлган... Имом Бухорий илм ўрганиш иштиёқида Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби Шарқнинг ўша пайтдаги катта шаҳарларига сафар қилган, ўша ерда истиқомат қиладиган олиму фузалолардан сабоқ олган, ўзи ҳам толиби илмларга дарс берган.

Имом Бухорий ҳақида кўплаб ибратли ҳикоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, ул зоти муборак алломаи замонларнинг биридан таълим олар экан. Бошқа талабалар устознинг сўзларини ёзиб олишса, имом Бухорий умуман қоғоз-қаламсиз сабоқларда иштирок этар экан. Талабалар йиғилишиб, Имом Бухорийни синамоқчи бўлишибди ва ундан бир неча кун аввалги сабоқни сўрашибди. Шунда ул зоти муборак ўн-ўн беш кун аввалги ўтилган сабоқларни мукаммал айтиб берган экан...

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

БИЛАСИЗМИ?

ИГНА

Аслида кичкина, аммо кундалик ҳаётимизда ҳар куни зарур бўладиган игнанинг яратилиш тарихи ҳақида биласизми?

Маълумотларга кўра, аждодларимиз игнадан ибтидоий даврлардаёқ фойдаланиб келишган. Улар игнани балиқ суякларидан ясаган, бунда улар тешгич сифатида тошлардан фойдаланишган.

Игна ясайдиган машинани ким ихтиро қилган?

Илк бора игна ишлаб чиқарувчи машина Леанардо да Винчи томонидан ихтиро қилинган. Бунинг натижаси ўлароқ Англияда XIX асрда игна ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Россияга игна у ердан келтирилган. Бора-бора игна ясайдиган усталар етишиб чиққан. Узунлиги атиги 9-10 миллиметр, тешиги бор йўғи 0,4-0,15 миллиметр келадиган митти игналарни ишлаб чиқариш бўйича Германия ҳозирда етакчилик қилмоқда.

ТУГМА

Худди игнага ўхшаб тугма ҳам жуда қизиқ тарихга эга.

Маълумотларга қараганда, ўрта денгизнинг шарқий Крит оролида яшаган қадимги одамлар тугманинг илк фойдаланувчилари ҳисобланар экан. Милоддан аввалги юнон шаҳарларида савлат тўкиб турган муҳташам ҳайкалларнинг кийим тасвирларида ҳам тугма сурати борлиги шуни англатадики, одамлар қадимда ҳам тугмадан кенг фойдаланишган.



Ўрта асрларга келиб тугма асосан безак буюми сифатида ишлатила бошланди. Замонлар ўтиши билан тугмаларнинг шакллари ва турлари ўзгариб, хилма-хиллашиб борди. Баъзи мамлакатларда тугмадан безак сифатида фойдаланилиб, кийимга ўта кўп тугма қадаш русум бўлган. Тарихий манбаларда келтирилишича, француз қироли Франциск ўзининг бахмалдан тикилган костюмини безатиш учун заргарга ўн уч минг олти юз дона тилла тугмача буюртириб, костюмига қадаттирган. Шундан сўнг Францияда тугмадан безак сифатида фойдаланиш оммавий тус олиб кетган. Қирол фарзанди Генрих эса ўзининг аъёнлари олдида киядиган барча либосларини олтин тугмалар билан безатишни амр этган экан.

М.РАҲМАТОВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

ЛОНДОН МУЗЕЙИДА ҚАЛБАКИ СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ



Лондондаги Виктория ва Альберт музейида қалбаки суратлар кўргазмаси иш бошлади.

Машҳур рассомларнинг қимматбаҳо расмларнинг қалбакиларини ўзида жамлаган ушбу экспонатларнинг барчаси сўнгги йиллар ичида Лондон полицияси томонидан йиғилган. Кўргазма ҳозирча фақат мутахассислар учун ишлайди. Аммо қизиқиш юқорилиги боис у 2007 йилда омма учун очилиши ҳам мумкин.

Ундан қалбаки суратларгина эмас, балки асбобускуна ва ҳужжатлар ҳам ўрин олган. Экспертлар сўнгги ўн йилликнинг энг омадли кўчирмакашлари Жон Дрюи ва Жон Майаттга тегишли экспонатларни юқори баҳолаяпти. Улар жуда кўплаб машҳур суратларни қалбакилаштириб, сотишга муваффақ бўлишган. 1995 йилда иккала кўчирмакаш қўлга олинади ва шундан буён полиция уларга тегишли бўлган 200 та қалбаки расмларни 85 тасини топишга муваффақ бўлган.

МАҲБУСЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БИРИНЧИЛИГИ

Болгарияда маҳбуслар ўртасида шахмат биринчилиги ўтказилди.

Унда Варна шаҳридаги турманинг маҳбуслари 11 очко билан биринчи ўринни қўлга киритди. Бургаслик маҳбуслар эса 9 очко билан иккинчи поғонани банд этди. Улардан ярим очко ортда қолган София шаҳар турмасидаги маҳбуслар эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

Шахсий биринчиликда эса ғолиб жамоа вакили Любомир Стояновга тенг келадигани топилмади. Ғолибларни тақдирлаш маросимида Болгария адлия вазири Георгий Петканов иштирок этди ва ғолиб маҳбусларга телевизор, спорт жиҳозлари совға қилди. Шунингдек, Петканов ғолибларнинг жазо муддатини бир неча ойга қисқартириш масаласи устида ўйлаб кўришини маълум қилган.

ОСЕТИЯДА РЕФЕРЕНДУМ

Грузия президенти Михаил Саакашвили Жанубий Осетия президенти Эдуард Кокойтанинг қасамёд маросимига ташриф буюрмади.

У ушбу референдумни тан олмаслигини шу йўл билан ифодалади. Бундан озгина вақт муқаддам Эдуард Кокойта ўз инаугурация маросимига Грузия президентини таклиф қилган ва Бу билан қўшни давлат раҳбарига ўзаро муносабатларни изга солиш мумкинлигини намойиш этмоқчи эди.

Инаугурация Жанубий Осетия пойтахтидаги "Чермен" кинотеатрида бўлиб ўтди. Эдуард Кокойта мамлакат Конституциясига содиқлигини билдириб, қасамёд қилди. Маросимда бошқа тан олинмаган республикалар — Абхазия, Днепрбўйи ва Тоғли қорабоғдан делегациялар иштирок этишди. Шунингдек, Россия Давлат думаси депутатларидан иборат делегация ҳам маросимда ҳозир бўлди.

ЛИТВИНЕНКОНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Лондонда Россия ташқи разведкасининг собиқ ходими Александр Литвиненко оламдан ўтди.



Ноябрь ойининг бошида ФХХнинг собиқ ходими соғлиғи ёмонлашгани туфайли касалхонага ётқизилган эди. Олиб борилган текширишлар натижасида унинг организмида заҳарли моддалар борлиги аниқланган.

Ушбу ҳодиса юзасидан тергов ишини олиб бораётган терговчилар Литвиненко ўз жонига қасд қилган, деган тахмин устида ҳам бош қотиришмоқда.

Александр Литвиненко Россияни 1998 йилда тарк этган ва Буюк Британиядан сиёсий бошпана сўраган эди.

ПОКИСТОНЛИК МУХБИР ЙЎҚОЛДИ

Покистонда Би-Би-Синнинг маҳаллий мухбири Диловар Хон Вазир қидирилмоқда. У Би-Би-Синнинг маҳаллий ваколатхонасида хизмат қилган.

Журналистнинг укаси Зулфиқор Алининг маълум қилишича, акаси 20 ноябрь куни унинг уйидан чиқиб, мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган шаҳарлардан бирига йўл олган. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Али таълим оладиган университетда номаълум шахс унга акасининг автоҳалокатга учраганлиги ва касалхонага олиб кетилганини айтган. Аммо касалхона маъмурияти билан боғлангач, у ерда Вазирнинг йўқлиги аниқланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги — Ўзбекистон "Milliy tiklanish" демократик партиясининг ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00